территории Бухарского эмирата и отправляли сведения в Туркестанский Военно-топографический отдел.

Денаусские «беспорядки» неоднозначно объяснялись местными жителями и русскими топографами. На наш взгляд, причины случившегося состояли в том, что съемочные работы местных земельных площадей, проводившиеся военными, были поводом для беспокойства со стороны населения, живущего здесь веками. Местные жители боялись того, что после съемки земель военные могут их отобрать. Эти причины отмечены в рапортах военных чинов разных уровней Туркестанского генерал-губернаторства. В рапортах резко критикуются действия Денаусского бека в отношении службы русских военных в этих местностях, нет достаточно полного разъяснения местному населению их деятельности.

8 июня 1898 г. из Термеза для выяснения случившегося в Денау отправляется специальная следственная группа.

В Центральном Государственном архиве Республики Узбекистан имеется немало документов, связанных с подобными случаями. Например, сообщается о ранее случившемся вооруженном нападении на русский военный лагерь, который производил картографические работы в Андижане, и Российскому Политическому агентству в Бухаре рекомендуется не оставлять этот случай без наказания¹².

Во время съемочных и топографических работ местные власти неохотно помогали царским военным. Так, в рапорте, направленном на имя генерал-губернатора Туркестана от 26 октября 1879 г., от имени Ферганского военного губернатора сообщается о неоказании необходимой помощи русским военным картографам со стороны местных волостей. А в рапорте генерал-губернатора Туркестана к аксакалам сёл и управляющим волостей приказано «незамедлительно оказывать помощь топографам и всё это должно быть проконтролировано начальниками уездов»¹³.

В начале XX в. Военным министром России были отправлены Туркестанскому генерал-губернатору «Правила для составления планов городских поселений в областях Туркестанского генерал-губернаторства», в которых обозначены обязательные участки и здания для съемок: а) городская черта, сады, огороды, леса, поля, пашни, пески, почтовые и другие дороги, реки, ручьи, каналы, с обозначением их течения, пруды, озера, болота, разлив воды и колодцы; б) существующие застроенные каменные и деревянные кварталы, без обозначения дворовых участков, принадлежащих частным лицам, за исключением участков и зданий, на-

¹² ЦГА РУз, ф. 3, оп. 2, д. 60, л. 168.

¹³ ЦГА РУз, ф. 1, оп. 1, д. 1229, л. 1-2.

ходящихся вне кварталов, как в черте, так и за чертою города; участки и здания эти должны быть обозначены на плане¹⁴.

В правилах также четко указывалось, что городские планы Туркестанского генерал-губернаторства должны содержать сведения о мостах, шлюзах, пристанях на реках, станциях железных дорог, фабриках, заводах, мельницах, кузницах, скотобойнях, кладбищах и пр¹⁵.

Царские чиновники уделяли особое внимание готовым картографическим планам туркестанских городов, их статусу. Например, план города, а также копия с него должны были быть засвидетельствованы военными губернаторами или начальником Закаспийской области и чинами строительных отделений областных правлений.

Таким образом, картографирование территории Туркестанского края после завоевания царской Россией развивалось быстрыми темпами. В этом важном деле царские власти не жалели денег, средств и влиятельных рычагов власти. В отдельных случаях, где это было необходимо, в помощь привлекалось местное население того или иного региона.

Следует особо подчеркнуть, что, несмотря на крайне неблагоприятные социально-экономические условия той эпохи, неприятие местными населением проводимых колониальной администрацией картографических работ, в это время были сформулированы важнейшие географические идеи, определившие во многом дальнейшие пути развития картографирования Туркестана, преемственно вошедшие в современные научные представления.

3. Саидбобоев

Туркистон ўлкаси мустамлака маъмуриятининг картографик ишлари ташкил этишининг дастлабки босқичи масаласига доир

Мақолада XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россия империяси томонидан истило этилганидан сўнг чор ҳарбий маъмурларининг ўлкада олиб борган кенг кўламдаги картографик ишлари, унинг асл мақсадлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур тадбирлардан норози бўлган маҳаллий аҳолининг ҳаракатлари, унга қарши Туркистон маъмурияти қўллаган турли жазо чоралари архив ҳужжатларидаги маълумотлар асосида очиб берилган.

¹⁴ Там же, л.103.

¹⁵ Там же.

Z. Saidboboev

To problem of first stage of organizing cartographic activity by Turkestan colonial administration

The article is analyzed the widely cartographical works and its real aims of tsar military officials after conquest of Central Asia by Russian empire at the second half of XIX century. Also are showed by archive documents data the local people's movements against to these events, and some punishments used by Turkestan administrative to them.

Г. Нормуродова

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари)

XIX аср иккинчи ярмига келиб, Туркистон жамияти жуда катта сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни бошидан кечирди. Бу жараёнлар, аввало, Туркистоннинг, хусусан, Самарқанд вилоятининг чор империяси таркибига киритилиши, янги сиёсий бошқарув тизимининг жорий этилиши, минтақа жамияти учун янги ҳисобланган капиталистик муносабатларнинг кириб келиши ва иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлар каби омиллар билан изоҳланди.

Бундай ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият, энг аввало, ўлкадаги аҳоли қатламларининг ҳолати, таркиби ва ҳаётига таъсир этмай қолмади. Албатта, XIX аср иккинчи ярмига келиб бутун Туркистон, шунингдек, Самарқанд вилоятида ҳам, аҳолининг ижтимоий табақаланиш доираси кенгайиб борди. Бу, энг аввало, қуйидаги омиллар билан боғлиқ эди:

- янги сиёсий бошқарув тизимининг ташкил топиши;
- кўчириб келтирилган рус аҳолиси ҳисобига аҳоли ижтимоий таркибининг кенгайиб бориши;
- ўлкада иқтисодий муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши ва трансформацияси;
- темир йўлларнинг қурилиши, фабрика- заводларнинг ишга туширилиши;
- таълим, маориф ва матбуот соҳасидаги туб ўзгаришлар, фан, маданият ва санъатнинг ривожланиб бориши шулар жумласидандир.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, бутун Туркистон ўлкасида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам амалдорлар, рухонийлар, зиёлилар, деҳқонлар, хунармандлар, миллий буржуазия, ишчилар ва бошқа қатламлар фаолиятини кузатиш мумкин.

Вилоятдаги шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилган аҳоли табақаларининг сони бир-биридан мутлақо фарқ қилган. Чунки шаҳарларда асосий маъмурий бошқарув маркази, савдо, хунармандчилик, саноат ишлаб чиқариш ва турли хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд бўлганлиги боис, бу ерда турли касбдаги хизматчилар, амалдорлар, савдогарлар, хунармандлар, рухонийлар ва қисман деҳқонлар яшаган. Қишлоқларда яшаган аҳоли табақалар, асосан, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ҳисобланган деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, қисман хунармандчилик, савдо ва бошқа турли касб билан шуғуллаганлар. Ҳар бир қатлам жамиятда ўзига хос ижтимоий ҳолатни эгаллаган. Масалан, амирлик тузуми даврида амалдорлар қатлами, асосан, зодагонлар гуруҳини ташкил этган. Бундай гуруҳга – бек, қози, раис ва бошқаларни киритиш мумкин эди. Хусусан, бек – хонликда бекликни, яъни вилоятни бошқарувчи ҳоким ҳисобланиб, унга барча фуқаролик ва ҳарбий ишлар ҳуқуқи берилган. Қози – шаҳар ва қишлоқларда аҳолини ислом ва шариат қонун-қоидалари асосида, фуқаролик ҳамда жиноий ишларини кўриб чиқиб, суд қилувчи амалдор бўлган. Раис – шаҳар ва қишлоқларда аҳоли томонидан ислом динида амр қилинган барча қоида ибодатларни бажарилишини, шунингдек, бозорларда савдо-сотик тартибини назорат қилишга масъул амалдор ҳисобланган¹. Бундай амалдорлар гуруҳига давлат хазинасидан маош тўланмаган ва улар фақат халқдан йиғилган солиқ – тўловлар ҳисобига ҳаёт кечирган эдилар.

Россия империяси мустамлакаси даврига келиб, янги сиёсий бошқарув тизимининг жорий этилиши натижасида маъмурият бўғинидан иборат амалдорлар қатлами шаклланди. Бу янги кўринишдаги амалдорлар қатламининг аввалги зодагонлар гуруҳидан фарқи шунда эдики, бу қатламга давлат томонидан маош тайинланди. Улар эгаллаб турган лавозими, берилган вазифа ва ҳуқуқларидан келиб чиқиб, ўз ваколатига эга бўлдилар. Лекин бундай имтиёзлардан қуйи маъмурий бўғиндаги маҳаллий аҳоли вакиллари мустасно эдилар. Айтиш зарурки, мустамлака бошқарув аппаратининг асл ўзагини рус миллатига мансуб амалдорлар ташкил этган. Ўлканинг мустамлака-

¹ Семёнов А. А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. Вып. 2 Труды. АН Тадж., 1954. С. 46.

чилик мавқеи ва ҳарбий бошқарувга асосланган тизими боис, ўлкада амалдорларнинг бошқа бир кўриниши – ҳарбий хизматдагиларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Хавфсизлик ва турли хилдаги қаршиликларни ҳарбий йўл билан бостириш мақсадида, чор ҳукумати ўлкада маълум даражада ҳарбийларни сақлади. XIX аср охирларида ҳарбийлар Самарқанд вилоятда бутун аҳолининг 0,76 фоизини ташкил этди. Умуман, 1897 йилги вилоят аҳолисини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, мустамлака маъмурияти, суд, полиция, жамоат ва табақавий хизмат билан шуғулланувчилар аҳолининг 1,48 фоизини ташкил этган эди².

Бир неча аср мобайнида Туркистон халқи онгини ва уларнинг ижтимоий муносабатларини ислом аҳкомлари ҳамда анъаналари белгилаб келган, айниқса шариат қонун-қоидаларининг изохловчиси ҳисобланган мусулмон руҳонийлари маҳаллий жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда кучли таъсирга эга эди. Шу боисдан ҳам, мусулмон руҳонийлари, чор империяси учун мустамлакачилик сиёсатини юритишда тўсқинлик қилувчи асосий қатлам ҳисобланган. Айниқса, мусулмон аҳолисига эътиборсизлик сиёсатини юритган Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман шайхулислом ва қозикалон лавозимини йўқ қилиб, фақат қози лавозимини сақлаб қолган эди³. Шунинг учун вилоят аҳолисини рўйхатга олиш маълумотларида мусулмон руҳонийлари аҳолининг қанча фоизини ташкил этганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар берилмаган. Архив ҳужжатларига кўра, биргина Самарқанд шаҳрининг Сўзангарон қисмида 99 та, Пайкабад қисмида 100-255 тагача, Қаландархона қисмида 256-320 тагача ва Хўжааҳрор қисмида 321-386 тагача мулла ҳисоблаб чиқилганлиги қайд этилган⁴. Айтиш жоизки, халқ орасида айниқса имом, мударрис, эшон ва мулларларнинг обрўи баланд бўлган. Масжидда асосий бош руҳоний – имом ҳисобланган. Манбаларга кўра, камдан-кам масжид имомлари Самарқанд, Қўқон ва Бухоро шаҳарларида таълим олганлар. Шунинг учун ҳар қандай саводли ва диний таълимга эга бўлган киши – имом саналган. Имомлар баъзида маҳаллий мактабларда болаларга дарс берганлар. Бунда ота-оналар томонидан уларга кўпинча мукофот озиқ-овқат тариқасида (пайшанбалик) берилган, баъзида эса ҳар хонадондан 20 тийиндан 60 тийингача ва 20 фунтдан 2 пудгача*

² Первая Всеобщая перепись населения Российской империи, 1897. Самаркандская область, 1905 г. С. IX.

³ Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. Л., 1927. С. 124.

⁴ ЎЗР МДА. И-20-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 216, 226-варақлар.

* Фунт – 4,05 граммга ва пуд – 16 кг га тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

буғдой берилган⁵. Кўп ҳолларда, тўлиқ таълим олган кишиларнинг мударрис, муфти, халқ судьяси ёки аълам вазифасини бажариши, сўнгги даражада эса имом бўлиш имконияти мавжуд эди. Ҳар қайси масжидларда имомдан ташқари, мутавалли, хатиб, сўфи, азончи ёки муаззин каби руҳоний вакиллари ҳам фаолият олиб борган.

Масжид ва мадрасаларда хизмат юритган руҳоний вакиллари вақфлардан тушадиган даромаддан ўз улушларини олганлар. Архив маълумотларига кўра, мударрис 500-600 танга, хатиб 100-150 танга ва имом 100-150 танга миқдорида маблағ олганлиги қайд этилган. Кейинги куйи руҳоний қатламларнинг оладиган улуши бундан кам бўлгани боис, улар ўз хизматларидан ташқари, кўшимча даромад олиш учун кишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ва савдо билан шуғулланганлар⁶.

Вилоят аҳолисининг 97,5 фоизини ташкил этган мусулмонлар чор мустамлакаси даврида ҳам ўз дини ва эътиқодида содиқ турдилар. Жумладан, мусулмонларнинг ҳаж зиёратини амалга оширишга бўлган интилиши сусаймади. Фақат бу уларнинг ижтимоий шароити билан боғлиқ бўлди. Шунингдек, чор маъмурияти томонидан, ҳаж зиёрати қаттиқ назоратга олинди. Аввало, зиёратчиларга рухсат берилиши учун, уларнинг тавсифи тўлиқ олинган ва уларга чет эл паспортларини бериш орқалигина рухсат берилган⁷. Аҳоли кайфиятини кузатиб борган чор ҳукумати, мусулмон руҳонийларининг маҳаллий қатламларга таъсир ўтказишини хоҳламагани ва буни ўзлари учун хавфли деб ҳисоблагани боис, мутавалли, мударрис, қози лавозимларига тайинлаш борасида жуда эҳтиёткорлик билан иш юритди.

Ўлкада ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлардан ташқари, маданий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу, аввало, чор ҳукуматининг маориф ва маданиятни ислоҳ этиш борасида яққол кўзга ташланади. Натижада, XIX аср иккинчи ярмига келиб, зиёлилар қатламининг ўзига хос бир кўриниши шаклланди. Улар қаторида ишбилармон ва ижодкор миллий зиёлилар гуруҳи алоҳида ажралиб турди. Бу, янги миллий зиёлилар гуруҳи ўзларини турли соҳаларда – сиёсатда, маърифатни ёйиш, миллий матбуотни ташкил этиш, мактаб таълимини ислоҳ этиш, мактаб дарсликлари, илмий ва оммабоп адабиётлар яратиш каби фаолиятларда жонбозлик кўрсатиб бордилар. Улар ўлкада жамият ва миллат равнақи ва уларнинг тараққиёти, демократик эркинлик, халқни маърифатли қилиш, ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш каби мақсадларни рўёбга чиқаришга интилдилар.

⁵ ЎЗР МДА. И-18-фонд, 1-рўйхат, 6664-йиғма жилд, 18, 28, 32-вараклар.

⁶ Ўша жойда. 25-варак.

⁷ ЎЗР МДА. И-5-фонд, 1-рўйхат, 173-йиғма жилд, 12-варак.

Ана шундай миллий зиёлилар қатлами орасида халқ таълими вакиллари алоҳида ўрин тутиб, Самарқанд вилоятида фаолият юритган Махмудхўжа Бехбудий, Абулқодир Шакурый, Хожи Муин, Саид-аҳмад Сиддиқий Ажзий кабиларни алоҳида тилга олиш зарур. Бу маърифатпарварлар ўз ҳисобларидан кутубхоналар, ўқув хоналари очдилар, дарсликлар, ўқув услубий қўлланмалар яратдилар, газета ва журналлар ташкил этиб, уларда маърифатпарварлик ғояларини фаоллик билан тарғиб этдилар.

1897 йилги биринчи Бутунроссия аҳоли рўйхати маълумотлари бўйича вилоятда таълим ва тарбиявий ишлар, фан, адабиёт ва санъат соҳасида фаолият олиб борганлар жами 545 кишини ташкил этган бўлса, шундан 437 тадан зиёдини (80,1%) миллий зиёлилар қатлами ташкил этган эди⁸.

Айтиш жоизки, ўлкага капиталистик муносабатларнинг кириб келиши ва иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши натижасида ўз ҳақ-хуқуқларини таний бошлаган, тижорат илмини ўзлаштиришга интилган миллий буржуазия ҳам шакллана борди. Агар рус ва чет эл капиталистлари, саноатчилар, тадбиркорлар, савдогарлар ўлка бойликларини талаш, ўз манфаатларини кўзлаб фаолият олиб борган бўлса, маҳаллий миллат вакилларида етишиб чиққан миллий буржуазия – ўз юртини, халқини, миллатининг манфаатларини ҳимоя қилиш, ички ва ташқи савдони ривожлантириш, жаҳон бозорига чиқиш ва унда муваффақиятли рақобат олиб бориш каби мақсадлар учун интилдилар.

Миллий буржуазия асосини мулкдорлар қатлами ташкил этган. Уларнинг ўз тегирмони, дўкони, хунармандчилик устахоналари, ярим хунармандчилик корхоналари, карвонсарой, чойхона каби мулклари бўлган. Турли хилдаги мулкка эга бўлган бу қатлам жамиятнинг иқтисодий субъекти ҳисобланган. Аста-секин улар ўзларини турли ишлаб чиқаришга асосланган саноат, хунармандчилик тармоқларини кенгайтириш, савдо-сотик ишларини йўлга қўйишда фаоллашиб бордилар. Агар 1888 йилда вилоятдаги 14 та завод корхоналаридан 5 таси маҳаллий мулкдорларга тегишли бўлса, 1896 йилга келиб 20 та заводдан 11 таси уларга тааллуқли бўлди⁹. Шу ўринда Самарқанд вилоятида етишиб чиққан бундай миллий буржуазия вакилларида М.Фузайлов, М.Аминов, М.Носирбоев, А.Мўминжонов, Р.Азимбоев, А.Муҳаммадов, Н.Мирабдуғаффоров ва бошқа кўплаб кишилар номини тилга олиш мумкин.

⁸ Первая Всеобщая перепись населения Российской империи, 1897. С. 98-101.

⁹ ЎзР МДА. И-18-фонд, 1-рўйхат, 5652-йиғма жилд, 7...22-варақлар; Справочная книжка Самаркандской области на 1897 г. Вып. V. С. 101.

XIX аср II ярмига келиб, Самарқанд вилоятида хунармандчиликнинг дурадгорлик, тўқувчилик, ипакчилик, бўёкчилик, этикдўзлик, темирчилик, кулолчилик, қоғоз ишлаб чиқариш ва бошқа турлари ривожланган эди. Хунармандчиликнинг кўп соҳалари қўл меҳнатига асосланиб, техника паст даражада бўлса-да, улар пишиқ, сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, халқ хўжалиги эҳтиёжини таъминлаб борганлар. Бироқ, капиталистик муносабатларнинг кириб келиши ва ривожланиши, ўлкага саноат маҳсулотлари келтирилишининг ортиб бориши натижасида, бир қанча маҳаллий хунармандчилик соҳаларининг инкирозга учраши кузатилади. Хусусан, темир йўлларнинг Самарқанд орқали ўтказилиши, бу ерга Россия фабрикаларида тўқилган арзон ипгазламаларнинг келишини кучайтирди. Масалан, бу маҳсулотларнинг ўлкага кириб келиши 1891 йилда 700 м пудни ташкил этган бўлса, 1903 йилда 1 млн пуддан зиёд, 1912 йилда эса 2 млн пудни ташкил этди¹⁰. Рус фабрика маҳсулотлари билан маҳаллий хунармандчилик маҳсулотлари ўртасида рақобат кучая борди, тўқувчи-хунармандлар ўз маҳсулотининг сифатини яхшилаш учун кўплаб маблағ сарфлаб, маҳсулот харажатини кучайтирди. Оқибатда хунарманднинг ижтимоий аҳволи ёмонлашиб бориб, маҳаллий тўқимачилик ишлаб чиқариши касодга учрай борди.

Тўқимачиликдан бошқа соҳаларда ҳам маҳаллий хунармандчилик (айниқса кулолчилик – Н. Г.) билан саноат ишлаб чиқариш ўртасида рақобат кучайди. Бу кураш ҳам, албатта, фабрика-завод ва саноат фойдасига ҳал бўлиб борган. Чор ҳукумати маъмурлари фақат Россия манфаатларини ҳимоя қилишиб, ўлкада хом ашёга дастлабки ишлов бериш саноатидан бошқа саноат турларини вужудга келтирмасликка ва маҳаллий бозорлар учун тайёр маҳсулотлар келтиришга ҳаракат қилдилар. Бунинг оқибатида ўлканинг минглаб хунарманд-қосиблари Россиянинг нисбатан арзон ва сифатли маҳсулотлари рақобатига дош беришга олмай, қасбларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Уларнинг бир қисми мардикорларга, қолганлари завод-фабрикаларнинг ёлланма ишчиларига айландилар.

Самарқанд вилоятида мустақил шахсларнинг 13,92 фоизи деҳқончилик билан шуғулланган. Чоризм ҳукмронлиги даврида ҳам деҳқонлар аҳволи аввалги амирлик тузуми давридагидек оғир ҳолатда бўлди.

1871-1873 йиллардаги чор ҳукуматининг аграр сиёсати маҳаллий деҳқонлардан хусусий ерларни тортиб олишда кенг имкониятлар яратди. Низом зодагонлар, савдогарлар, мусулмон руҳонийларнинг ерга

¹⁰ Кастельская З. Д. Из истории Туркестанского края. М., 1980. С. 58.

эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлади, аммо деҳқонларнинг ҳолатини оғирлаштирди.

1886 йилги Низом маҳаллий аҳолини ерга шахсий эгалигини мустаҳкамлаган бўлса ҳам, хусусий мулк сифатида деҳқонлар эҳтиёжларига тўғри келмади. Бу борада олиб борилган сиёсат деҳқонлар оммасининг ижтимоий ҳолатини энгиллаштирмади. Бу даврда ерга ишлов бериш паст даражада бўлиб, асосий деҳқончилик қуроли омов бўлди, лекин ерни омов билан ишлов бериш учун жуфт хўкизлар ҳам керак бўлган. Лекин бундай мулкка баъзи деҳқонларгина эга бўлганлар.

Капиталистик муносабатларнинг ўлкага, жумладан, вилоят кишлок хўжалигига кириб келиши деҳқонлар оммаси ўртасида мулкый табақаланиш жараёнини кучайтирди. Улар орасида катта микдордаги ерга эга бўлган бойлар ажралиб турган, улар кўпинча чорикор меҳнатидан фойдаланганлар. Чорикор – ижарагир ернинг чорак қисмини ижарага олиб етиштирган ҳосилнинг кўпрогини ер эгасига, озрогини эса ўзига олган. Яъни ижара шартига кўра, агар чорикор ижарага олинган ерда ўзининг ишчи қуроли ва уруғлигидан фойдаланса, ҳосилнинг 1/2 дан 1/5 гача қисмини олган. Агар чорикор хўжаликнинг ишчи молидан фойдаланса, унда у ҳосилнинг 1/4 қисмини, ер эгаси эса 3/4 қисмини олган.

Майда ва камбағал ерли хўжаликлар оғир шароитлар туфайли ўз ерларини сотиб юбориб, чорикорга айланиб борганлар. Ўртаҳол деҳқонларнинг жуда камчилиқ қисми кулоқ-бойлар қаторига кўшилган. Ўз шахсий ерида ишлаган деҳқон давлатга турли хилдаги солиқларни тўлаб бориб, аҳволи янада оғирлашган. Натижада у ҳам ўзининг мустақил хўжалигини йўкота бориб чорикорга айланган.

Чор ҳукуматининг Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган сиёсати кишлок хўжалигидаги бошқа қатламларни ҳам бу соҳага боғлаб қўйди. Самарқанд вилоятида ҳам пахта ишлаб чиқарувчи асосий куч – бу майда деҳқон хўжаликлари эди. Пахта етиштиришдаги машаққатнинг барчаси деҳқонлар зиммасида бўлди. Деҳқонлар, айниқса, кишнинг охири баҳор бошланиши билан кундалиқ ҳаётни тебратиш ва дала ишларини юритиш учун пулга муҳтож бўлиб қоладилар. Худди шундай оғир вазиятда уларга банклар «ёрдам қўлини» чўзарди. Бу олди-бердини амалга оширишда кишлок оксоколлари, аравакашлар, пахтани чигитдан ва чангдан тозалашни уюштирувчи – «чистачилар» воситачилик қилганлар. Кўплаб савдо-саноат тармоқлари ва улар орқали чистачи, аравакаш ва бошқалар мўмай даромад топиш мақсадида, деҳқонлардан тўловни талаб қилардилар¹¹.

¹¹ Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Тошкент; Шарқ, 2001. 132-бет.

Ночор қолган деҳқоннинг қарзни тўлашга имкони бўлмаса, дарҳол мол-мулки тортиб олинган. Вилоятда амалга оширилган аграр сиёсат ва деҳқон хўжаликларининг шу каби товар-пул муносабатини тортилиши уларни ўз ерларидан маҳрум бўлишига олиб келди. Манбаларга кўра, 1902 йилда ерсиз хўжаликлар Самарқанд уездининг Жумабозор волостида 49 фоизни, Пайшанба волостида 63,7 фоизни ташкил этган¹². Бундай аҳволни бошқа волостларда ҳам учратиш мумкин эди.

Бундан ташқари деҳқонларнинг чор ҳукумати томонидан турли солиқ тўловларга тортилиши уларнинг гарданига оғир юк бўлиб тушган. Юқоридаги оғир ижтимоий ҳолатлар туфайли, камбағал ва ўрта қатлам деҳқонлар хонавайрон бўлиб, четга бориб ишлаш, бошқа касбни танлаш ёки ёлланиб ишлашга мажбур бўлганлар. Оқибатда, бундай аҳволдаги деҳқонлар ижтимоий-сиёсий ҳуқуқсиз ва қашшоқ қатлам сифатида қолаверди.

XIX аср иккинчи ярмига келиб Самарқанд вилоятининг ижтимоий қатламлари орасида яна бир янги қатлам шаклланди. Бу, ўлкада саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, темир йўлларнинг қурилиши, завод-фабрикаларнинг ишга туширилиши натижасида шаклланган ишчилар қатлами эди. Уларнинг деярли ярмини мавсумий ишчилар ташкил этди. Архив манбаларига кўра, ишчилар сони асосан сентябрь, октябрь ойларида кўпайиб борган. Турли соҳа билан банд бўлган ишчилар қатлами сони йилдан-йилга ўсиб борди. 1905 йилда битта заводга ўртачада 8 та ишчи тўғри келган бўлса, 1908 йилда 14 та, 1913 йилда эса 26 та ишчи тўғри келди. 1913 йилги маълумотларга кўра, вилоят фабрика-заводларида ишлаган ишчиларнинг 8,2% ини аёллар, 87,2% ини эркеклар ва 4,6% ини ўсмирлар ташкил этган¹³.

Машаққатли меҳнат, ётоқларнинг йўқлиги, тўйиб овқатланмаслик ва бошқа хил мураккаб шароитлар натижасида завод-фабрикалар, темир йўлларда ишлаган ишчиларнинг ижтимоий аҳволи оғир эди. Энг кам иш ҳақи 10 рубль бўлиб, иш вақти 12 соатдан, баъзи корхоналарда гоҳида 18 соатгача ҳам давом этарди¹⁴.

Шундай қилиб, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларига келиб, бутун Туркистонда каби, Самарқанд вилоятида ҳам кечган ижти-

¹² Абдурахимова М. Положение трудящихся масс дехканства Туркестана во второй половине XIX века (по материалам Самаркандской области): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1955. С. 8-9.

¹³ Заорская В. В., Александер К. А. Промышленные заведения Туркестанского края. Спб., 1915. С. 147.

¹⁴ ЎзР МДА. И-18-фонд, 1-рўйхат, 5652-йиғма жилд, 5-10-варақлар ва уларнинг орқаси.

мойи-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар ижтимоий табақалар ҳолатига қатта таъсир кўрсатди. Эндиликда, аввалгидек, жамият иерархиясини* белгилаган табақавий ҳуқуқ ва имтиёз каби омиллар ўрнини, шахс ҳолатини белгилаган капитал ва мулк каби мезонлар белгилаб борди. Бу даврда жамият иқтисодий ҳаётида асосий ишлаб чиқарувчи қатлам – бу, албатта, деҳқонлар, хунарамандлар ва ишчилар қатлами бўлиб қолди. Шунингдек, улар турли оғир ижтимоий шароитларда ҳаёт кечирган қатлам ҳам ҳисобландилар. Маъмурий, суд, полиция ва жамоат ишларида амалдорлар қатлами ўз ҳуқуқ ва имтиёзларидан келиб чиқиб, фаолият юритган бўлсалар, иқтисодий ҳаётни таъминлаш ва унинг барқарорлигини сақлашда миллий буржуазия, деҳқонлар, ишчилар қатламлари самарали меҳнатлари туфайли жамиятда муҳим ўрин тутдилар.

Г. Нормуродова

**Социальные страты Самаркандской области
и их место в обществе (конец XIX – начало XX в.)**

В статье характеризуется социальный слой населения Самаркандской области, его положение и место в обществе. Дается анализ изменений, происходящих в социально-политической и экономической сферах.

G. Normurodova

**Social levels of people of Samarkand region and their position
in society (end of XIX – beginning of XX centuries)**

In this article social levels of people of Samarkand region and social-political and economical changes, their position, in fluencies to their life at the end of XIX and in XX century are described. Every social level had its own place in the society.

* Иерархия – бўйсунуш тартиби, яъни қуйи қатламнинг юқори қатламга бўйсунуш тартиби.

Т. Нуриддинов

БХСРНИНГ ГЕРМАНИЯ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ ТАРИХИГА ДОИР

1917 йил октябрида ҳокимиятга келган большевиклар ҳукумати 1920 йил сентябридан эътиборан ўзининг мустамлакачиликка асосланган тартибларини Бухорода ҳам ўрнатиш чораларини кўрди. Ўз навбатида, Бухорода ҳокимиятга келган Файзулла Хўжаев ҳукумати ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб мустақил сиёсат юритди. Ташқи сиёсатда большевиклар ҳукуматининг тазйиқ ва тўсиқларига қарамай, бир қатор Шарқ мамлакатлари ва Ғарб давлатларидан Германия билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қилинди. БХСР ҳукумати раҳбарлари олдида ўлкани иқтисодий ва маданий қолоқликдан олиб чиқиш, Россиянинг мустамлакачилик сиёсатидан қутулиш вазифаси турар эди. Мазкур вазифаларни ҳал этишда БХСР ҳукумати энг муҳим вазифалардан бири сифатида мустақил ташқи сиёсат юритиш ва хорижий давлатлар билан кенг иқтисодий ҳамкорликни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблади.

Маълумки, Биринчи жаҳон уруши, айниқса, 1918 йилда Россияда бошланган фуқаролар уруши анъанавий Бухоро-Россия савдо муносабатларини издан чиқарди. Уруш туфайли Россиядан Бухорога келтирилаётган саноат маҳсулотлари миқдори камайди.

Ўз навбатида, 1919 йилдан бошлаб, етишмаётган товарлар ва хом ашёга бозор зарурлиги натижасида Бухоро савдо капитали афғон-ҳинд бозорига чиқди. Бухорога чет эл саноат маҳсулотлари кириб келди. Бухоро учун мазкур даврда ташқи бозорга чиқишнинг ягона йўли Афғонистон йўналиши эди.

1920 йил кузидан бошлаб, Бухорода вужудга келган мураккаб сиёсий-иқтисодий вазият БХСР ва совет Россияси савдо-сотиқ муносабатларига салбий таъсир кўрсатди¹.

1920 йил октябрида БХСР ҳукуматининг совет Россияси билан тузган шартномасида Бухоро ҳарбий, иқтисодий ва молиявий муносабатларда РСФСР билан биргаликда ҳаракат қилиши белгилаб қўйилган эди². Лекин Россия ва Бухорода вужудга келган тарихий вазият Москва ҳукуматининг БХСР устидан назорат ўрнатишига монелик қилди. Шунингдек, 1921 йилдан Бухоро ҳудудида большевиклар режимига қарши курашнинг кучайиши натижасида мамлакат халқ хўжалигининг асосини

¹ Жизнь национальностей. 1921. № 20. 3 октября.

² Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. Ташкент: Узбекистан, 1969. С. 218.

ташкил этган қишлоқ хўжалигида пахта майдони қисқарди, чорва моллари XIX аср 80-йиллари ҳолатидаги миқдорнинг 80% ини, йирик моллар эса 50% ни ташкил этган эди, холос³.

Оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолгач, БХСР ҳукумати учун Европа бозори, аввало, саноат маҳсулотлари ва валюта учун зарур эди. Мазкур масала 1921 йил 23 декабрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакиллари МИҚ қурултойининг 2-сессиясида БХСР савдо ва саноат нозирлари А. Муҳиддиновнинг қилган маърузасида ҳам ўз ифодасини топган эди.

Нозир маърузасида Бухородан олтин билан ҳисоблаганда 4 млн. сўмлик маҳсулот чиқарилгани ҳолда, РСФСРдан атиги 1 млн. сўмлик товар келтирилганлиги, Германияга сотиш учун 200 000 дона қорақўл тери Ботумига жўнатилганлиги фактларини келтириб, РСФСР билан тузилган битимга асосланиб, Ботуми порти орқали Европа давлатлари, биринчи навбатда, Германия билан савдо-сотик ишларини йўлга қўйиш таклифини илгари суради⁴.

1921 йил охирларида Европа давлатлари ва Америка билан савдо-сотик алоқаларини йўлга қўйиш масаласи БХСР ташки ишлар нозирлигининг мажлисларидан бирида ҳам кўриб чиқилган эди⁵.

1921 йил 11 декабрдаги маълумотда Ботумига жўнатилган 200 000 дона қорақўл терини чет эл фирмаларига сотиш, мабодо, улар таклиф қилган нарх маҳсулот қийматига тўғри келмаса, уни Германияда сотиш кераклиги таъкидланади. Уни сотиш орқали Бухоро хўжалиги учун зарур бўлган техника воситалари олиш мўлжалланган эди⁶.

БХСРнинг Германия билан иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйишда ҳукумат раиси Ф. Хўжаевнинг 1922 йил ноябрида ушбу мамлакатда бўлганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ф. Хўжаев ўзининг «Берлин мактублари»да Олмонияга тижорат ишлари билан келмаганлигини, фақат Москвадан савдо ҳайъати келгач, бу борада бир қатор ишлар қилиши мумкинлигини ёзган эди⁷.

Ўша давр немис газеталарининг бирида «Бухоролик ўқувчилар Германияда» номли мақола чоп этилиб, унда Бухоро аҳолиси ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳақида ҳам сўз юритилади⁸.

³ Жизнь национальностей. 1921. № 20. 3 октября.

⁴ История БНСР. Сборник документов. Ташкент: Фан, 1976. С. 361.

⁵ ЎЗР МДА. 48-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 45-варақ.

⁶ Ўша жойда. 199-варақ.

⁷ Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия ҳамкорлигининг тарихий лавҳалари (1920-1924). Тошкент: Фан, 2004; Файзулла Хўжаев. Берлин мактублари // Бухоро ахбори. № 111, 1922 йил 19 ноябрь.

⁸ ЎЗР МДА. 56-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 34-варақ.

Германия сафари чоғида Ф. Хўжаев немис ҳукуматининг юқори доира вакиллари билан учрашиб, ҳар икки давлат манфаатларига мос келувчи дипломатик ва иқтисодий масалаларни ҳал қилди. Музокараларда Бухородан Германияга ипак, пахта, қорақўл тери, ўз навбатида, немисларнинг БХСРга фабрика ускуналари жўнатишлари масалалари ҳақида сўз боради⁹.

Берлиндаги 5 қаватли бинода Бухоро тижорат уйи ташкил этилган. Вали Қаюмхон Германия пойтахтида Бухоро меҳмонхонаси бўлганлиги ҳақида маълумот беради¹⁰.

Германия сафари давомида Ф. Хўжаев Берлин, Бонн шаҳарларида турли ижтимоий табақа вакиллари билан мулоқотларда бўлди. Германия билан кенг дипломатик ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишдан кўзланган асосий мақсад ёш Бухоро Республикаси давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш эди. Айниқса, Бухорода етиштириладиган ипак, пахта, қорақўл, ширинмия маҳсулотлари немис ишбилармонларининг диққатини тортган эди.

1921 йил 24 январда қилинган Бухоронинг ташқи савдосига оид докладга кўра БХСР экспортининг асосини ташкил қиладиган пахта, жун, қорақўл терига давлат монополияси жорий этилиб, хориждан тайёр маҳсулотларни айирбошлаш ҳисобига келтириш белгилаб қўйилди¹¹.

1922 йил 30 июнда БХСР ҳукумати мухтор вакилининг ташқи ишлар нозири номига юборган хабарномасида Германия ва РСФСР ҳукуматлари томонидан тузилган шартномага мувофиқ, Германия ҳукумати Россиянинг бир қатор шаҳарларида, жумладан, Ботуми ва Боку шаҳарларида немисларнинг «Ориент-линия К. Мевес» агентлиги томонидан савдо бўлимлари ташкил этилганлиги, улардаги хўжалик, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар, электр ускуналари, тиббиёт дори-дармонлари Бухоро учун зарур эканлиги таъкидланади. Агентлик томонидан Ўрта Осиёда фаолият олиб бориш учун Германия фуқароси Рихард Томлинг мухтор вакил этиб тайинланган бўлиб, бунга қадар у Озарбайжон Республикасида ўз фаолиятини бошлаган эди¹².

Германия ҳукумати мазкур агентликка бутун Ўрта Осиё бўйича барча немис фирма ва фабрикаларини расман тақдим этишга ҳам рухсат берган эди.

⁹ Ўша жойда.

¹⁰ В а л и Қ а ю м х о н. Қийратилган қисматлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил 24 апрель.

¹¹ ЎзР МДА. Р-48-фонд, 1-рўйхат, 37-иш, 126-варак.

¹² ЎзР МДА. Р-53-фонд, 1-рўйхат, 16-иш, 2-варак.

БХСР савдо ва саноат нозирлиги қошидаги Боку савдо комиссиясининг 1922 йил 3 июндаги 195-маълумотномасида америка ичак маҳсулотлари билан шуғулланувчи «Оппенгеймер Кейсинг К-о Лтд» фирмасининг бу борадаги таклифлари, фирмага оид маълумотлар келтирилади. Савдо комиссияси вакиллари Американинг юкоридаги фирмаси ва бир қатор Германия фирмалари билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш учун ипак маҳсулотларини Ботумига жўнатиш ҳақида ўз фикрларини баён қилишган.

1922 йил 29 июнда Р. Томлинг БХСРнинг Озарбайжондаги вакили билан учрашиб, «Ориент-линия К. Мевес» агентлигининг Бухорода бўлим ва омборларини ташкил этиш, савдо-иқтисодий масалаларда ҳамкорлик қилиш, ўз мухтор агентлигининг идорасини очиш каби масалаларни муҳокама қилди.

Германиянинг мазкур фирмаси юкларни етказиб бериш бўйича Европада ягона фирма ҳисобланган. Агентлик вакили ўз фирмасининг Бухорога турли хўжалик машина ва ускуналари, ўриш мосламалари, металл буюмлар, анилин бўёқлар, плутлар, тўкимачилик маҳсулотлари, алюминий идишлар, дори-дармонлар етказиб бериши мумкинлиги ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари Германия ва Швеция билан тўғридан-тўғри йўлнинг мавжудлиги сабабли Бухоро ҳам ашёсининг бошқа чет эл бозорларига чиқариш имкониятини таъминлаш мумкинлиги ҳақида фикр билдирди. Бухорода етиштириладиган майиз, қўй ичаги, беда уруғи, туя жуни, қўй териларига Германияда талаб мавжудлиги ҳақида ҳам гапирди.

Р. Томлинг юкоридаги товарларни нақд пул ёки айирбошлаш, Бухоро Республикаси учун зарур бўлган муайян маҳсулотларни кредитга бериш ҳам мумкинлигини билдиради¹³.

1922 йил 30 декабрда бўлиб ўтган БХСР меҳнат кенгаши мажлисида Германиянинг «Ориент-линия К. Мевес» агентлигига Бухорода савдо вакилининг идорасини очишга рухсат берилди¹⁴.

Шу даврда Ботумида Германиянинг яна бир «Қора денгиз Зельгорст ва Шредер» фирмаси фаолият юритган эди. 1922 йил 27 сентябрда юкоридаги фирма билан БХСР савдо ва саноат нозирлигининг Ботумидаги савдо комиссияси мухтор вакилининг ўринбосари Г. Я. Ратнер ўртасида шартнома тузилиб, унда қуйидагиларга келишиб олинган эди:

1. 3000 пуд ширинмиянинг ҳар бир пудини олтин ҳисобида 7 сўм 60 тийиндан сотилиши.

¹³ ЎзР МДА. Р-53-фонд, 2-рўйхат, 96-иш, 15-варак.

¹⁴ ЎзР МДА. Р-53-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 1-варакнинг орқаси.

2. Ботумига маҳсулот 2 ой ичида етказиб берилиши лозим.
3. Сотувчи ўз маҳсулоти қийматининг 50 фоизини Ботумида, қолган 50 фоизини Берлинда бош идорада нақл пул билан олади.
4. Маҳсулот нархи Германия Қора денгиз компаниясининг Ботумидаги нархномаси асосида белгиланади.
5. Юқоридаги шартлар бузилган тақдирда, айбдор томон маҳсулотнинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди¹⁵.

1923 йил 18 январда «К. Мевес» компаниясининг Ўрта Осиё бўйича вакили Р. Томлинг БХСР меҳнат кенгашига телеграмма йўллаб, агентликнинг Бухорода бўлимини очишга рухсат берилганлиги учун миннатдорчилик билдиради ва Когон ёки Бухоро станциясидан бино ажратишни сўрайди¹⁶.

Бухорода Германия савдо агентлигининг ваколатхонасини очиш масаласи БХСР юқори давлат идораларида ҳам муҳокама қилинган. Хорижий ишлар нозирлигининг Халқ хўжалик олий шўросига ёзган хатида «Германия савдо агентлиги вакили Р. Томлинг томонидан Бухорода агентлик ваколатхонасини очиш бўйича берган ҳужжатлар юборилганлиги ва бу масалани кечиктирмаслик» ҳақида сўз беради¹⁷.

БХСР ҳукумати фармойиши билан Берлинда Германия савдо комиссияси ташкил этилиб, унга 4.909.120 сўм 97 тийин (валюта ва пул ҳисобида) маблағ ажратилган.

Савдо комиссияси қисқа муддат ичида 640.000 сўм пул маблағини ҳукумат ҳисобига ўтказди¹⁸.

1924 йил 7 мартда БХСРнинг Вена ва Кельндаги ярмаркаларда иштирок этиши масаласи кўриб чиқилди. Лекин совет республикаларининг биргаликда қатнашувини таъминлаш никоби остида БХСРнинг юқоридаги ярмаркаларда қатнашмаслигига эришилди¹⁹.

БХСРнинг хорижий давлатлар, жумладан, Германия билан иқтисодий ҳамкорлиги оғир иқтисодий ва сиёсий шароитларда олиб борилди. Ёш республика ҳукуматининг фаол ташқи иқтисодий муносабатларни ўрнатишига Москва ҳукумати ва унинг Туркистондаги вакиллари барча чоралар билан қаршилик кўрсатдилар. Лекин БХСР раҳбарлари шундай мушкул вазиятга қарамай республика манфаатларини иложи борида ҳимоя қилишга ҳаракат қилдилар.

¹⁵ ЎзР МДА. Р-53-фонд, 1-рўйхат, 23-иш, 20-варак.

¹⁶ ЎзР МДА. Р-53-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 14-варак.

¹⁷ Ўша жойда. 3-варак.

¹⁸ ЎзР МДА. Р-48-фонд, 1-рўйхат, 239-иш, 277-варакнинг орқаси.

¹⁹ Ўша жойда. 83-варак.

Т. Нуриддинов

К истории экономического сотрудничества БНСР с Германией

В статье раскрываются некоторые аспекты экономического сотрудничества между молодой Бухарской Республикой и Германией, основанные на первоисточниках. Приводимые некоторые архивные источники, касающиеся данной проблематики, публикуются впервые.

T. Nuriddinov

Economic interrelations between Bukhara people Republic and Germany

The article is reached economic interrelations between Bukhara people Republic and Germany in 1920 1924 years and involved some new historical facts from archival documents into scientific usage.

Р. Абдуллаев

ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА МУСУЛМОН ДУНЁСИДАГИ МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР

Маълумки, тарихий ривожланиш жараёнида диний-мафкуравий ислохотларга, маданий меросни қайта тиклашга қаратилган перманент тарзда юзага келувчи интилишлар мусулмон дунёсининг кўп мамлакатлари учун хос бўлган.

XX аср бошларида Яқин ва Ўрта Шарқда, Шимолий Африкада ҳамда Россия империясининг мусулмон минтақаларида маънавий ренессансинг симптомлари ва белгилари яна намоён бўла бошлади.

Ушбу даврда Европа давлатларининг мустамлакачилик сиёсати мусулмон цивилизациясининг ташқи омиллар тазйиқи остида «яшаб қолиши» муаммосини янада долзарб қилиб қўйди ва бу ҳол, ўз навбатида, мусулмон Шарқи мамлакатларида консолидация жараёнларини объектив равишда жадаллаштирди ва кучайтирди.

Мана шу босқичда, озодлик ҳаракатининг таркибий қисмлари бўлган, миллий ватанпарварлик ғоялари мусулмон жамиятининг энг пас-

сионар, элит қатламларининг тафаккури ва кайфиятига жиддий таъсир кўрсатди.

Мазкур муҳитда шаклланган кўплаб мафкуравий концепциялар фақат маънавий қадриятларни, миллий ўзига хосликни сақлашгагина эмас, балки маданий эмансипация, мусулмон дунёсини модернизация қилиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий қолоқлигига тезроқ барҳам бериш вазифаларини ҳам амалга оширишга йўналтирилган эди.

Кўрсатиб ўтилган даврда юқоридаги ғоялар Муҳаммад Абдо, Малкомхон, Исмоил Гаспирали, Намик Кемаль, Зиё Гекальп, Маҳмуд Тарзи, Жамолиддин Афғоний ва бошқа таниқли маърифатпарвар файласуфлар ҳамда ислохотчилар томонидан олға сурилди.

Шубҳасиз, улар ўз даврининг кенг маълумотли кишилари бўлиб, улкан ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятларига эга эдилар. Уларнинг бутун куч-ғайратлари, биринчи навбатда, энг зарур миллий манфаатлар ва тарихий жараён мантиқи туфайли тақозо этилган маърифий, ижтимоий-сиёсий изланишларни амалга оширишга қаратилган эди.

Шуни қайд этиш зарурки, мусулмон ислохотчиларининг фаолияти фақат ўзларининг миллий давлатлари доирасида чекланиб қолмаган.

Масалан, бизга маълумки, таниқли афғон маърифатпарвари ал-Афғоний XIX аср охирида Францияда яшаган ва ўзининг бир гуруҳ ҳамфикрлари билан биргаликда «Ал-Урва ал-Вусқа» номли ҳафталик газетани нашр эттирган. Ал-Афғоний ҳаётининг мазкур даври ҳақида француз файласуфи, шарқшунос олим Э. Ренан шундай ёзади: «Мен бундан икки ой олдин шайх Жамолиддин билан танишдим... Шайх Жамолиддин – биз идеаллар сифатида эълон қилаётган фикрларнинг энг яхши тарғиботчисидир. Мени унинг ақли, ҳайратомуз қобилиятлари, эрксеварлиги, характерининг олижаноблиги, очиклиги ва тўғрилиги қойил қолдирди.

Мен ўзимни гўё қадимги донишмандлардан бири Ибн Сино ёки Ибн Рушд билан суҳбат кураётгандек, ёҳуд инсониятни озод қилиш учун курашган буюк инсонлар билан юзма-юз ўтиргандек ҳис қилдим»¹.

Эронлик таниқли жамоат арбоби Малкомхон ҳам ўз ҳаётини маърифатпарварлик, ватанини маънавий ва ижтимоий-сиёсий қайта тикланиши ғояларига бағишлади.

У шундай таъкидлаган эди: «Бизнинг мақсадимиз диндошларимиз дунёқарашидаги нодонлик ва бирёқламаликка барҳам бериш ҳамда омма орасида илм-фанни тарқатиш орқали ватанимизнинг гуллаб-яшнашига эришишдир. Бизнинг мақсадимиз озодлик ва адолат байроғини юқори

¹ Қаранг: Х а к и м о в И. Джамаль ад Дин аль – Афгани, философ и реформатор // Азия и Африка сегодня. М., 1989. № 12. С. 49.

кўтариш, халкнинг ўз осойишта ҳаётини барпо этишига имкон бериш ва фаровон ҳаётни қуришдир»².

Ушбу ислоҳотчилар бир пайтлар қудратли бўлган Шарқ давлатларининг қолоқликка тушиб қолиши ва Ғарб дунёси томонидан мустамлакага айлантирилишининг сабабларини англаб етишга уриндилар ва халқларни узок давом этган «уйқу»дан уйғонишга даъват қилдилар.

Масалан, ёш афғонлар ҳаракатининг мафкуравий йўлбошчиларидан бири Маҳмуд Тарзи Афғонистоннинг таназзулга тушишининг сабабларидан бири эски стереотипларни ва қарашларни жон-жаҳди билан ҳимоя қилувчи кишиларнинг нодонлиги ва жоҳиллигидир, деб ҳисоблаган.

Тарзийнинг фикрига кўра, замонавий ҳаёт ва ундаги илғор оқимлардан узилиб қолган афғонлар Ғарб цивилизациясининг энг яхши жиҳатларини ўзлаштириш имкониятидан маҳрум бўлганлар. Улар фақат Европа маданиятининг европаликларнинг ўзлари мустамлака халқлар учун раво кўрган чиқиндиларидангина баҳраманд эдилар холос. Тарзи афғонлар орасида биринчилардан бўлиб европаликларнинг ютуқларини фақат Ғарб давлатларининг ҳарбий қудрати билан боғлаш тўғри эмаслигини, бунинг сабабини маданият, иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги тараққиётдан ҳам кидириш лозимлигини исботлаган эди.

Кўплаб ислоҳотчиларнинг назарий асарларида албатта, битта даъват мавжуд эди: маросимларни соддалаштириш ва барча мутаасибликлар ҳамда бидъатлардан холос бўлиш орқали исломнинг ва мусулмон халқларнинг аввалги куч-қудратини тиклаш.

Худди христианликдаги ислоҳотчилик ҳаракати сингари мусулмон мамлакатларида маънавий ва ижтимоий қадриятларни қайтадан тиклаш йўлида бошланган ҳаракат патриархал исломнинг илк, демократик анъаналарига йўналтирилган эди. Ислоҳотчилар исломнинг ижтимоий фалсафий тизимини, маданиятни, фан ва таълимни ривожлантириш ҳамда (бу энг асосийси) мустамлакачиликка қарши кураш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқишни таклиф қилдилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур даврда ғоявий оқимлар ва айрим концепциялар турли-туман хусусиятларга эга бўлсалар-да, барибир уларнинг умумий колоритини энг муҳим ўзак муаммо мусулмон дунёсининг цивилизацион бирлик сифатида яшаб қолиш белгилаб берар эди.

Ислоҳотчилар ўша даврда мусулмон Шарқ мамлакатларининг иқтисодий, маданий ва маънавий қайта тикланиш йўлидаги асосий тўсиқ Европанинг етакчи давлатларининг мустамлакачилик сиёсати, деб ҳисоблаганлар. Миллий манфаатларга зиён келтирувчи бошқа бир

² Қаранг: Т а л и п о в Н. Общественная мысль в Иране в XIX – начале XX в. М., 1988. С. 90.

– во время первого военного похода ханьские войска не добрались в город Эрши, а вернулись после взятия города Юйчэн. Во время второго похода они также не дошли до Эрши, а штурмовали город Фергана (Юань-чэн) и нанесли ему значительный урон. Возможно, это служило причиной переноса столицы древнего государства Фергана в город Квэйсай (Гуйшань – в современном чтении) и он очень напоминает Куvasай нынешней Ферганской области.

А. Хўжаев

Эрши шахрини қадимги Фарғона давлатининг пойтахти деб ҳисоблаш мумкинми?

Мақолада ёзма хитой манбаларидаги қадимий Фарғона давлатига оид маълумотларни таҳлил қилиш асосида адабиётда ўрнашиб қолган Эрши шахри ушбу мамлакатнинг пойтахтидир, деган фикрнинг асоссиз эканлиги аниқланади.

⁴³ Ши жи. С. 1145 (1145).

A. Khodjaev

Is it correct to recognize Ershi as a capital of ancient Fergana?

The results of analysis of Chinese written sources on ancient Fergana given in this article proves incorrectness of existing in literature statement saying Ershi was a capital of the country in question.

Ш. Шайдуллаев, Н. Икромов

БАКТРИЯ ПОДШОХЛИКМИ ЁКИ КАВИЛИКМИ?

Ўрта Осиё халклари тарихидаги энг қадимги йирик давлатлардан бири Бактрия подшоҳлигидир. У Христос эрасидан аввалги (х. э. ав.) VIII асрда Амударёнинг юқори оқими ҳудудларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги Жанубий Тожикистон, Шимолий Афғонистон, Жанубий Ўзбекистон ҳудудларини ўз ичига олган¹.

Бактрия ватанимиз тарихига «подшоҳлик» сифатида кириб келган. Аммо уни подшоҳлар эмас, балки кавилар, Ахамонийлар империяси даврида эса сатраплар бошқарган. Ўрта Осиё халклари тарихида Бактриянинг подшоҳлик сифатида қўлланишининг асосий сабаби рус адабиётларидан таржима натижасида кириб келганлигидадир, яъни «Древнебактрийское царство» ибораси «Қадимги Бактрия подшоҳлиги»

¹ Пьянков И. В. Древнейшие государственные образования Средней Азии // Древние цивилизации Евразии. История и культура. Материалы Международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, академика РАЕН, доктора исторических наук, профессора Б. А. Литвинского (М., 14-16 октября 1998 г.). М., 2001. С. 334-348; А р р и а н. Поход Александра / Пер. Сергеев М. Е. М.; Л., 1962; К в и н т К у р ц и й Р у ф. История Александра Македонского / Пер. Соколова В. С. М.: МГУ, 1963; Сагдуллаев А. С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент: Ўқитувчи, 1996; B o t t a. Monuments de Ninive. Paris, 1850. Vol. 5; L a y a r d. Monuments of Nineveh. London, 1851; Дьяконов И. М. Истории Мидии. М.; Л., 1956. С. 169; Дьяконов М. М. Очерк истории Древнего Ирана. М., 1961; М а с с о н В. М. Проблема Древней Бактрии и новый археологический материал // СА. М., 1958. № 2. С. 49-65; Г р а н т о в с к и й Э. А. Иран и иранцы до Ахеменидов. Основные проблемы // Вопросы хронологии. М., 1998. С. 106-107.

деб таржима қилинган². Европа халқлари тарихига хос бўлган «царь» сўзини «подшо» деб таржима қилганмиз ва ишлатганмиз (царство-подшоҳлик). Бу ибора нафақат Бактрия, балки Хоразмга ҳам тегишлидир, яъни «Древнехорезмское царство» «Қадимги Хоразм подшоҳлиги» сифатида қўлланиб келинмоқда. Тарихимиз рус тилида ёзилган тақдирда ҳам «царь» сўзини ишлатиш тўғри эмас, негаки, ўзбек давлатчилиги тарихида «царь» бошқаруви бўлмаган.

Тарихимиздаги бу чалкашликни ойдинлаштириш мақсадида қадимги кавилар ва Бактриянинг ҳукмдорлари ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтамиз. «Авесто» нинг Яшт қисмида илк кавилардан бўлган Усан ва Хаусравнинг «бутун арийлар мамлакати устидан ҳукмронликка интилганлиги» тўғрисида маълумотлар бор³. Ёки паҳлавон Хаусравнинг «Арийлар мамлакатини ягона ҳукмдорликка бирлаштирган қахрамон» сифатида қуйланиши илк кавиларнинг мустаҳкам давлат қурганлигини кўрсатади.

Кавилар мамлакати ёки кавилар давлати масаласи илк маротаба А. Кристенсен ва И. М. Дьяконов томонидан фанга киритилган⁴. Ҳозирги пайтда бу ғояни ривожлантираётган, янги фикрлар билан бойитаётган олим И. В. Пьянковдир⁵. Унинг «Авесто» ва «Шохнома» бўйича олиб борган тадқиқотларига кўра, кавилар давлатининг ривожланиши хронологик жиҳатдан икки – илк ва сўнгги кавилар даврига бўлинади. Илк кавиларнинг асосчиси Кави Кавата бўлиб, унинг меросхўри Кави Апиваху ҳисобланади. Кави Апивахунинг тўртта ўғли ҳам кави унвонида бўлган. Ўғилларининг орасида Усан (Усадан) ва унинг набираси Хаусрав кавилар сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Хаусрав кавиликни кичик давлатларга бўлиб бошқарган. Шундай давлат ҳукмдорларидан бири Кави Виштаспа бўлиб, у Бактриянинг ҳукмдори бўлган. И. В. Пьянков «Авесто» да эсланадиган Усан, Хаусравларни илк кавилар ҳукмдорлари деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, пайгамбар Заратуштранинг «ўз юртидан паноҳ тополмай» Бактриядан, унинг кависи Виштаспа хонадонидан макон топишидан бошлаб, кавилар давлати

² Грантовский Э. А. Бактрия и Ассирия (в связи с проблемой древнебактрийского «царства») // Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом Востоке. Тезисы докладов конференции, посвященной десятилетию Южно-Таджикистанской археологической экспедиции. М., 1983. С. 27-30.

³ Авесто. Яшт, V, 45, 46, 49, 50.

⁴ Дьяконов И. М. Восточный Иран до Кира (К возможности новых постановок вопроса). История Иранского государства и культуры. М., 1971. С. 138-141.

⁵ Пьянков И. В. Древнейшие государственные образования Средней Азии. С. 334-348.

ривожланишининг иккинчи босқичи бошланади. «Авесто» да илк кавилар, яъни пайғамбар Заратуштрагача бўлган кавилар «мустабидлар» деб қораланган бўлса, зардуштийликни қабул қилган кавиларга нисбатан «Авесто» яхши муносабатда бўлган.

Илк кавиларнинг яшаган даврини И. В. Пьянков мил. ав. 900-775 йиллар билан белгилайди, бунга асос қилиб, Кави Виштаспанинг ҳукмронлик даврини ва унинг саройида Зардуштнинг яшаган даврини VII асрнинг иккинчи ярми деб ҳисобланишини асос қилиб олади⁶.

Нади-Али кишлоғи ёнидан Р. Гиршман томонидан топилган, х. эр. ав. VIII асрга оид Сурх-доғ ёдгорлигини И. М. Дьяконов илк кавиларнинг пойтахти бўлган деб ҳисоблайди⁷. Демак, юқорида эслаб ўтилган «Авесто» маълумотларига қараб кави унвонида бўлган ҳукмдорлар бўлганлиги аниқланмоқда. Уларнинг яшаб ўтган хронологик даврлари, ҳудудлари ойдинлашмоқда.

«Авесто» нинг Яшт қисмида кўчманчи тур қабиласининг шоҳи Франграсян (Афросиёб) бутун арийлар мамлакатининг ҳукмдори сифатида тилга олинади⁸. «Авесто» маълумотларига қараганда, Кави Усаннинг ўғли Сияваршан Франграсянга, яъни «Турлар мамлакатига қочади» ва «баланд илоҳий Кангхе» устига Хшатросаука кўрғонига асос солади⁹. Бу маълумотлар кўчманчилар дунёси давлатчилиги тарихида, айниқса, уларнинг шоҳи Франграсяннинг бутун арийлар устидан ҳукмронлик қилганлиги тўғрисидаги маълумотларни кўчманчилар дунёси илк давлатчилиги борасида янги маълумотлар сифатида қабул қилиниши мумкин. Пайғамбар Заратуштрани қабул қилган, унга Зардуштийлик таълимотини яратишда кўмак берган ҳукмдор Кави Виштаспа (Гуштасп)дир. Виштаспа унинг исми бўлса, кави титули, яъни ҳукмдорлик белгисидир. Демак, Бақтрияни подшоҳлар эмас, балки кавилар бошқарганлиги маълум бўлади. Шунга асосланиб, «Бақтрия подшоҳлиги» ибораси ўрнига «Бақтрия кавилиги» иборасини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Кави титули қандай унутилганлиги тўғрисида ҳам мушоҳада қилсак. Маълумки, шоҳлар шоҳи Доро I Аҳамонийлар давлатчилигида янги ислохотларни амалга оширган. У бошқарув ва молия ишларини

⁶ Там же. С. 336.

⁷ Chirshman I. Fouilles de Nad-i Ali dans le Seistan Afghan // Revue des arts asiatiques. 1939. Vol. XIII. № 1. P. 20; Дьяконов И. М. Восточный Иран до Кира. С. 138.

⁸ Авесто. Яшт, XIX. 93; Пьянков И. В. Древнейшие государственные образования. С. 340.

⁹ Авесто. Ардви сура алкови, Обон Яшт, V, 54, 57. («Хшатросаука» сўзини айримлар «танг дара» (Стеблин-Каменский), бошқалар «каъба», «кўрғон» сифатида талкин қилади (И. В. Пьянков).

янги поғонага кўтарган, бутун империя худудини сатрапликларга бўлиб бошқариш усулини жорий этди. Сатраплик худудлари собиқ маҳаллий давлатлар ва аҳолининг этник гуруҳлар яшайдиган чегаралари асосида бўлиб чиқилган. Кир ёки Камбиз даврида босиб олинган ерлар маҳаллий ҳукмдорлар томонидан бошқарилган бўлса, янги ислоҳотга биноан, сатраплик бошлиқлари форсийлардан тайинланадиган бўлган¹⁰.

Сатраплар ва ундаги ҳарбий бошлиқлар шоҳлар шоҳи ва марказий давлат бошқарувининг доимий назоратида бўлган. Сатраплик бошқаруви ва текширувлар Хазарапад томонидан амалга оширилган. У бир вақтнинг ўзида шоҳлар шоҳининг шахсий гвардиясини ҳам бошқарган.

Жойлардаги сатрапликларни бошқариш усули ва девонхона таркиби Суздаги бош девонхона тузилишини айнан такрорлаган, яъни девонхона бошлиғи, хазинабон, ташаббусни бўғувчилар, ҳисобчилар, суд вакиллари, хаттотлар ва бошқалар.

Аҳамонийлар Ўрта Осиёнинг бошқа кўпгина худудлари сингари Бактрияни ҳам босиб олгандан кейин, кавилар мустақилликни кўлдан берганлиги табиий ҳол, албатта. Кир босқини даврида Бактрия ҳукмдори Таниоксарк (Оксиарт) бўлган. Бу ҳақда ишончли ёзма маълумотлар сақланиб қолган. Диодор ўз асарида Оссурия шоҳи Ниннинг Бактрияга қарши жанг тафсилотларини ёзган. Асар бошида Ниннинг Семирамидага уйланиш тафсилотлари тасвирланган. Диодорнинг ёзишига қараганда Нин Бактрияни мағлуб этиш оғирлигини, аҳолисининг кўп сонли эканлигини ва жангда моҳирлигини, қалъаларининг кўплигини билган. Шунга қарамай у кўп сонли кўшин йиғади ва биринчи жангда Бактрия кависи Оксиартдан тоғ йўлдан текисликка чиқадиган жойда мағлубиятга учрайди. Нин Бактрия билан бўладиган янги жангга тайёрланади¹¹.

Диодор Бактрия пойтахти Бақтр шаҳрини куйидагича таърифлайди, «...Бақтр йирик шаҳарлардан бири, у гўзал, эгаллаб бўлмас қалъа». Нин Бақтр шаҳрини узок вақт камал қилади. Шаҳар Семирамиданинг айёрлиги натижасида ишғол қилинади. Бақтрликлар мағлубиятга учрайди. Бактрия кависи ўлдирилади. Нин Бактриянинг бойликларини талайди.

Бу воқеаларни Помпей Трог¹², Арриан¹³ ва Ксенофонтлар¹⁴ ҳам ўз асарларида ёритган. Аммо, воқеалар тафсилотларида, ҳукмдорларни таърифлашда айрим чалкашликлар бор. Ксенофонт ўз асарида Бактрия

¹⁰ Р и ч а р д Ф р а й. Наследие Ирана. М., 1972. С. 271.

¹¹ Д и о д о р. Историческая библиотека. Кн. 17. II, 2-7 / Пер. Сергеев М. Е.; А р р и а н. Поход Александра. М.; Л., 1962.

¹² Помпей Трог. I, 1, 2.

¹³ А р р и а н. VI, 24.

¹⁴ К с е н о ф о н т. I, 5, 2.

ва Оссурия ўртасидаги уруш Оссурия ҳукмдори Киаксар замонида бўлган, деб ёзади.

Тадқиқотчилар ўртасида Оссурия билан Ўрта Осиё, хусусан, Бактрия оралиғидаги узоқ масофани ҳисобга олиб, юқоридаги маълумотларни тарих саҳифасидан чиқариб ташлаш керак, деган мунозаралар ҳам учрайди. Маълумки, бу масалага И. М. Дьяконов ойдинлик киритган. Унинг изланишлари туфайли топилган Оссурия айгоқчиларининг ўз шоҳига ёзган номасида қуйидаги маълумотдан сўнг антик давр тарихчилари маълумотлари ўз кучини сақлаб қолди: «...лекин, мен лазуритни олиб кетганимдан сўнг, мамлакатда бунга қарши кўзғолонлар бошланди, шундан сўнг катта ҳарбий куч юборишни илтимос қилдим»¹⁵. Маълумки, Яқин Шарқда Бактрия лазуритлари юқори баҳоланган. Шу тарика тарих фанига Қадимги Бактрия кависи тўғрисидаги маълумотлар кириб келган.

Энди Қадимги Бактриянинг Ахамонийлар давридаги ҳукмдорлари тўғрисидаги маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз. Бу борада Е. А. Мончадскаянинг тадқиқотлари диққатга моликдир¹⁶.

Бошқарув даври х. э. ав. йиллар	Сатрапнинг исми	Тайинлаган шаҳаншоҳ	Тарихий манба
529-522	Таниоксарк (Танаоксар- Смердис – Бардия)	Кир, Камбиз	Геродот, III, 30 Бехистун ёзуви III, 3
522-486	Додаршиш	Камбиз, Доро I	Бехистун ёзуви III, 15
486-480	Ариамен	Ксеркс	Плутарх, 173
480-465	Масиста	Ксеркс	Геродот, VII, 82
465-423	Артапан, Гистасп	Артаксеркс I	Диодор, XI, 69
423-335	Маълумотлар йўқ		
335-329	Бесс	Доро III	Диодор, XVII, 74

Келтирилган жадвалдан маълум бўладики, Ахамонийлар даврида Бактрияда кави унвони қўлланилмаган, империянинг барча ҳудудида бўлгани сингари бу ерда ҳам сатраплик жорий этилган ва икки юз йил

¹⁵ Дьяконов И. М. Ассирио-вавилонские источники по истории Урарту // ВДИ. М., 1951. № 2. С. 335-336.

¹⁶ Мончадская Е. А. О правителях Бактрии и Согдианы VI – IV вв. до н. э. // Труды Государственного Эрмитажа. Л., 1961. Т. 5. С. 110-116.

давом этган Аҳамонийлар империяси даврида кавилик бошқаруви билан бирга кавилик ибораси ҳам унутилган. Аҳамонийлар ҳукмронлигидан кейинги даврларда, хусусан А. Македонский, Салавкийлар, Юнон Бактрия, Кушонлар салтанати даврида зарб қилинган тангаларда кави титули қўлланилмаган¹⁷.

Э. В. Ртвеладзе давлат титуллари тарихига бағишланган тадқиқотларида кави бошқаруви тизимига ўз муносабатларини билдириб, кави титули маҳаллий Ўрта Осиёда пайдо бўлган бошқарув усули бўлиб, деярли бир ярим минг йил давомида қўлланиб келган, деган фикрни билдирган¹⁸. Бу фикрга асос қилиб Бухоро ҳудудидан топилган, VI – VII асрларга оид Бухархулад тангаларидаги k'w' сўзининг учрашини асос қилиб олади. Бухархулад ҳукмдорлар номлари олдига k'w', яъни «шоҳ» сўзи ёзилган деб ҳисоблайди. Бухархулад тангалари мутахассислар томонидан яхши ўрганилган¹⁹. k'w' сўзи «кави» эмас, балки «кава» сифатида ўқилган, негаки иккита ҳарфдан (kw) кейин қўйилган тутук белгилар бир хил ифодаланган ва бир хил товушни беради. Бухархулад ёзувларида W ва N ҳарфларининг бир хиллигини ёки жуда ўхшашлигини инобатга олиб, тадқиқотчилар ушбу ёзувни «кана» деб ҳам ўқишган ва титул эмас, балки Бухархулад ҳукмдори исми эканлигини ҳам тадқиқотчилар ёзишган.

Келтирилган маълумотлар ва мулоҳазаларга таяниб тақлиф қилмоқчимизки, ёзилаётган тарихларимизда Қадимги Бактрия подшоҳлиги атамаси ўрнига Қадимги Бактрия кавилиги атамасини қўлласак тарихимиз бир қадар тўғри ёритилган бўлар эди.

Ш. Шайдуллаев, Н. Икромов

Древнебактрийское царство или Древнебактрийское кави?

В статье обосновывается пересмотр названия одного из древнейших государственных образований Средней Азии – Древнебактрийского царства. На основе историко-археологических данных предложено Древнебактрийское царство называть как Древнебактрийское кави.

¹⁷ Ртвеладзе Э. В. Титулатура правителей // История государственности Узбекистана. Ташкент, 2010. С. 334.

¹⁸ Там же. С. 334.

¹⁹ Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. М., 1970. С. 24.

Sh. Shaydullayev, N. Ikromov

Ancient Bactrian kingdom or Ancient Bactrian kavi?

In the given article the authors look through the name of one of the ancient states systems – Ancient Bactrian kingdom. On the basis of historical-archeological data they offer to name the ancient Bactrian kingdom as Ancient Bactrian kavi.

Тарихчи кутубхонасига

ПОЙТАХТНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОНИМИЯСИ

Х. Бўриеванинг «Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири – XX аср бошлари)» монографиясига тақриз

Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан ўтган йили шаҳарнинг ўтмишига оид жуда кўп мақолалар, шунингдек, рисола ва монографиялар чоп этилди. Улар ичида Х. Бўриеванинг «Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири – XX аср бошлари)» монографияси илмийлиги, аксарият маълумотларнинг янгилиги билан ажралиб туради. Муаллиф ушбу китобини давлат архивлари ва ёзма манбалар асосида ёзган. Зеро, ҳар қандай илмий иш бирламчи манба асосида ёзилиши керак.

Х. Бўриева монографиянинг биринчи бобида Тошкент шаҳрининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги топонимларини атрофлича таҳлил қилган. Олима шаҳар топонимиясини уч гуруҳ: қадимги, ўрта аср ва XIX аср охири – XX аср бошларидаги манбалар асосида ўрганган. Бундай тадқиқ этиш натижасида шаҳар топонимиясидаги тадрижий ўзгаришларни кузатиш мумкин.

Шаҳар номи қадимги Хитой солномаларида Юни, Чже-си, ўрта аср араб манбаларида Чоч, Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Тошканд шаклида учрайди.

Китобнинг иккинчи боби икки бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмидаги ариқ, даҳа дарвоза, маҳалла, кўча, муассасалар билан боғлиқ топонимлар таҳлил қилинган. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент ҳудудида Бўзсув, Қорасув, Анхор, Салор, Кайковус, Яланғоч, Ғадр, Ивиш, Қўнғирот, Дарвозакент каби ариқлар, 600 га яқин қудук, 500 га яқин ҳовуз ва булоқлар бўлган. Шаҳар аҳолиси сувни ана шу манбалардан олган. Бу даврда Тошкентнинг Эски шаҳар қисми Шайхонтахур, Ҳазрати Имом, Зангиота, Шайх Зайниддин номли тўрт даҳадан таркиб топган бўлиб, шаҳар деворининг ўн икки дарвозаси бўлган, жумладан: Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарканд, Камолон, Бешоғоч, Қўймас, Кўкча, Қашкар. Н. А. Маев маълумотларига қараганда, 1876 йили Тошкентда 142 та маҳалла бўлган: Шайхонтахурда – 48, Себзорда – 31, Кўкчада – 31, Бешоғочда – 32 та. 1893 йил 13 май Тошкент шаҳар Думасининг қарори билан Эски шаҳардаги 18 та йирик кўчанинг

номи расмийлаштирилди, бу: Шайхонтахур, Кўкча, Ўкчи, Окмасжид, Қуйи Окмасжид, Чархчилик, Себзор, Қорасарой, Ҳазрат Имом, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Бешоғоч, Чақар, Арпапоя, Камолон, Анҳор кўча номлари. Китобда ушбу кўчаларнинг йўналиши аниқ кўрсатилган. Чунончи, Жангтоҳ кўпригидан Ўрда кўпригигача ўтган йўл Жаркўча деб аталган. Кўча номлари келиб чиқиши жиҳатидан 10 гуруҳга бўлиб ўрганилган.

Китобнинг «Муассаса ва турли жойлар билан боғлиқ топонимлар» қисмида Эски шаҳарда бу даврда 12143 та уй, 23 та мадраса, 7 та рус-тузем мактаби, 333 та масжид, 4 та тиббий муассаса, 6 та йирик бозор, 1671 та савдо растаси, 2 та кушхона, 36 та ҳаммом, 400 та чойхона, 9 та ошхона, 17 та нонвойхона, 45 та карвонсарой, 5 та катта ва 229 та кичик тегирмон бўлганлиги кўрсатилган. Олима уларнинг номланишидаги ўзига хос хусусиятлар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилган, баъзиларининг жойлашувини қайд этган. Чунончи, 6 та бозор шаҳарнинг турли жойларида бўлган: Чорсу – шаҳар марказида, от ва қўй бозори – Ҳастимомда, қовун бозори – Самарқанд дарвоза яқинида, каноп бозори – Кўкчада, Ўрда бозори – Шайхонтахур даҳасида.

Тошкентнинг Янги шаҳар ҳудудидаги топонимлар Эски шаҳарникидан фарқ қилган. Бу ўзига хослик шаҳар инфратузилмаси билан боғлиқ. Янги иншоотларнинг қурилиши, банк тизими ва саноатнинг ривожланиши топонимларга ҳам таъсир қилган. 1907 йил ҳисоботида кўра шаҳарда 102 та кўча, 11 та тор кўча бўлган. Бундан ташқари бу ерда 346 та уй, 244 та ошхона, 291 та омборхона, 13 та отхона, 10 та завод, 2 та фабрика, 14 та устахона, 3 та суратхона, 1 та босмахона, 2 та меҳмонхона, 1 та кафе-ресторан ишлаб турган. Китобда бу жойлар билан боғлиқ топонимлар таҳлил этилган. 1886 йил 9 та билим маскани бўлган, 1909 йилга келиб эса уларнинг сони 62 тага етган. Бу маърифий ва илмий муассасаларнинг кўпайиши аҳоли сонининг ўсиши, шаҳарнинг иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ. Олима архив ҳужжатлари асосида жадвалда муассасаларнинг номи, ташкил топган йили ҳақида қимматли маълумотлар келтирган.

Ҳозирги Тошкент ҳудудига кирувчи айрим ерлар XIX аср охири – XX аср бошларида шаҳар атрофидаги ерлар саналиб, бу жойларда мавзелар, дала-ховлилар, турли хўжалик объектлари бўлган. Жумладан, муаллиф Шайхонтахур даҳасига 33 та, Себзорга 73 та, Кўкчага 43 та, Бешоғочга 36 та мавзе тегишлилигини қайд этади. Объектлар ичида эса маҳаллий тадбиркорларнинг тегирмони, заводи, фабрикалари жойлашган. Китобда келтирилган уларга доир маълумотлар тадбиркорлик тарихини ўрганишда янги маълумотлар беради.

Рисола охирида тарихий-топонимик лугат (151-214-бетлар) берилган. Бу лугатдан ўқувчи Тошкент шаҳрининг айрим жой номлари тарихи ва номланишига доир маълумот олади. Масалан, Анҳор каналининг узунлиги 8,7 км, бу ариқ шаҳар ҳудудида шимолдан шарққа қараб оқиши, этимологияси арабча *наҳр* – кўплик шакли билан боғлиқлиги, ушбу ариқ қайси маҳалла ҳудудидан оқиб ўтиши аниқ таърифланган.

Мазкур рисоланинг аҳамиятли томони шундаки, Тошкентнинг XIX аср охири – XX аср бошларидаги топонимлари илк бор тўлиқ ўрганилган. Бу адабиёт сайёҳлар учун ҳам зарур қўлланма вазифасини ўтайди. Агар ушбу китоб рус ва инглиз тилларига таржима қилинса, сайёҳлар учун яхши совға бўлар эди. Китобда келтирилган маълумотлар маърифий, тарбиявий ва маънавий жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, у баркамол авлод вакилларида Ватанга муҳаббат, юртимиз тарихига ҳурмат ва эътибор туйғуларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Хуллас, юкорида таърифланган адабиёт XIX аср охири – XX аср бошларидаги Тошкент топонимияси ҳақида муҳим маълумотлар беради. Ушбу китоб юксак полиграфия талаблари асосида кўп нусхада чоп этилса, чет тилларига таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ундан ташқари, бу китоб Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Марғилон ва бошқа шаҳарлар тарихини ҳамда жой номларини ўрганувчилар учун андоза вазифасини ўташи мумкин. У баркамол авлод вакилларига ўзлигини англашда қимматли қўлланма бўла олади.

ф.ф.д. Э. Умаров

Фанимиз даргалари

АКАДЕМИК М. К. НУРМУХАМЕДОВ. ЖИЗНЬ, ПОСВЯЩЕННАЯ НАУКЕ

20 июня 1986 г. в г. Измире во время научной командировки в результате автомобильной катастрофы прервалась жизнь известного ученого, общественного деятеля академика Марата Коптлеуича Нурмухамедова. Прервалась нелепо и трагически, когда он был в самом расцвете сил и энергии и мог еще многое сделать для науки, для общества.

Первый академик каракалпак Марат Коптлеуич Нурмухамедов родился 6 января 1930 г. в г. Турткуле в семье одного из руководителей Каракалпакии Коптилеу Нурмухамедова.

20 сентября 1937 г. Коптилеу Нурмухамедов был репрессирован как «враг народа». До самого своего расстрела в 1938 г. он был уверен в своей невиновности перед государством и народом и в ошибочности ареста.

Арест отца был очень большим ударом для семьи Нурмухамедовых, в которой, кроме Марата, было еще четверо детей. Мать, чтобы прокормить большую семью, работала уборщицей, библиотекарем, воспитателем детского сада. От семьи «врага народа» отвернулись практически все родственники и знакомые. Тяжелые испытания для семьи не прошли просто так. Из пятерых детей осталось только двое – Марат и его сестра Мария. Семья долгие годы жила надеждой на скорое возвращение хозяина и не знала ничего о его судьбе вплоть до посмертной реабилитации в 1957 г.

На этом трагедии в семье Нурмухамедовых не закончились. Узнав от сына о посмертной реабилитации мужа и осознав, что больше никогда его не увидит, мать Марата Пердегуль тяжело заболела и умерла.

Марат Нурмухамедов пошел в первый класс школы в г. Ходжейли в год ареста своего отца – в 1937 г. Окончил среднюю школу в г. Нукусе. Историей и литературой он начал интересоваться еще в школьные годы, что впоследствии и определило выбор будущей профессии. В 1946 г. Марат становится студентом Каракалпакского государственного педагогического института. Студенческие годы были очень интересным периодом в его жизни. Он был группоргом своего курса, создателем домашнего литературно-поэтического кружка, активно занимался спортом, даже стал первым тренером-каракалпаком по футболу.

В 1950 г. Марат Нурмухамедов окончил Нукусский государственный пединститут. Еще будучи студентом, он мечтал о поступлении в ас-

пирантуру для того, чтобы заниматься научной деятельностью. Для сына репрессированного это было непростой задачей. Однако, преодолев все бюрократические препоны, в сентябре 1950 г. он становится аспирантом Института востоковедения в Москве. Научным руководителем Марата был известный ученый Евгений Эдуардович Бертельс.

28 декабря 1953 г. Марат Нурмухамедов, успешно защитив кандидатскую диссертацию, возвращается домой уже сформировавшимся ученым. Его трудовая деятельность начинается с должности старшего научного сотрудника Каракалпакского комплексного научно-исследовательского института экономики и культуры АН Узбекистана. Впоследствии Марат Коптлеуич работал заведующим отделом «Литература и фольклор» института, заместителем директора, возглавлял научные литературоведческие экспедиции по Каракалпакии, читал в пединституте лекции по каракалпакской литературе. В октябре 1955 г. его приняли в члены Союза писателей Каракалпакии и Литфонда Союза писателей бывшего СССР, по совместительству был редактором журнала «Амударья», а также председателем Правления Союза писателей Каракалпакии.

В октябре 1959 г. Марат Нурмухамедов становится первым председателем открывшегося Каракалпакского филиала АН Узбекистана. Он был активным участником различных научных конференций, форумов, конгрессов, где выступал с содержательными научными докладами. В 1959-1963 гг. он был избран депутатом Верховного Совета Каракалпакстана и заместителем председателя президиума Верховного Совета республики.

Успехи на поприще науки, а также хорошие организаторские способности послужили поводом для избрания Марата Нурмухамедова в 1961 г. секретарем Каракалпакского областного комитета по идеологической работе. И хотя она требовала от Марата огромного напряжения, однако он старался не прерывать своих научных изысканий. В результате – успешная защита докторской диссертации в декабре 1965 г.

Уже в феврале 1966 г. Марат Коптлеуич был избран членом-корреспондентом АН Узбекистана. В этом же году его переводят на работу в г. Ташкент на должность академика-секретаря Отделения истории, языкознания и литературоведения и члена Президиума АН Узбекистана.

16 марта 1974 г. впервые в истории Каракалпакстана его представитель Марат Нурмухамедов был избран академиком АН Узбекистана.

С апреля по ноябрь 1974 г. он работал директором Института языка и литературы АН Узбекистана, а затем с ноября 1974 г. по июнь 1979 г. – вице-президентом АН Узбекистана.

Спектр научных интересов и изысканий академика Марата Нурмухамедова был очень широк и многогранен. Он охватывал общие проблемы теории литературы, ее узбекской и каракалпакской истории, вопросы взаимосвязи литературы и культуры народов Востока, развитие литературных жанров, художественного метода писательского мастерства, фольклорно-литературного взаимодействия. Помимо этого, Марат Коптлеуич занимался тюркологией, изучал историю религий народов мира, проблемы нации и национальных отношений.

Эта довольно обширная научная тематика нашла свое отражение в более чем 400 монографиях, книгах, учебниках, брошюрах и других его публикациях на каракалпакском, узбекском, русском, туркменском, казахском, украинском, английском, венгерском, турецком и других языках. Под научным руководством Марата Нурмухамедова в Каракалпакском филиале АН Узбекистана разрабатывался целый ряд фундаментальных и прикладных проектов. М. К. Нурмухамедов был членом редколлегии ряда ежегодных научных изданий по истории и литературе, а также узбекской Энциклопедии.

Под руководством Марата Нурмухамедова защитились 11 докторов и 19 кандидатов наук. Он являлся Членом научного совета при Отделении литературы и языка АН бывш. СССР по проблемам исследования мировой литературы. В разные годы М. К. Нурмухамедов был заместителем главного и главным редактором журнала «Общественные науки в Узбекистане», членом и заведующим секцией Комитета по присуждению государственных премий АН Узбекистана им. Беруни, Председателем проблемных советов АН Узбекистана по национальным вопросам, а также членом Правления узбекского общества по культурным связям с соотечественниками за рубежом (общество «Ватан») и др.

Заслуги Марата Нурмухамедова, как ученого и общественного деятеля не остались незамеченными и за рубежом. Он достойно представлял свою родину в университете Бомбея (Индия), где читал лекции, а также в Италии, Германии, Ираке, Турции и других странах, где принимал участие с научными докладами в работе различных симпозиумов и конференций.

Марат Нурмухамедов был известен не только своей деятельностью на научном поприще. Он был истинным гражданином своей страны, искренне болел за судьбу своего народа. Его гражданская позиция очень четко проявилась по отношению к судьбе Арала. Об этой проблеме Марат Нурмухамедов начал говорить еще задолго до ее широкого обсуждения в средствах массовой информации, до официального объявления Арала и Приаралья зоной экологического бедствия.

Общественная деятельность академика Марата Нурмухамедова была такой же обширной и разнообразной, как и научная. Он был депутатом Верховного Совета Узбекистана и Каракалпакстана. С 1980 г. он, как один из ведущих специалистов по истории культуры и литературы тюркоязычных народов Средней Азии и Казахстана, был утвержден заместителем председателя Комитета тюркологов. За большой вклад в дело развития науки и культуры Узбекистана, а также за активное участие в общественной жизни республики академик Марат Нурмухамедов был награжден государственными орденами, медалями и почетными грамотами. В 1973 г. ему присвоено почетное звание «Заслуженный деятель науки Каракалпакии», а в 1980 г. – «Заслуженный деятель науки Узбекистана». Он был лауреатом Государственных премий им. Бердаха и им. Беруни.

1 марта 1985 г. Марат Нурмухамедов был назначен ректором Нукусского государственного университета, открытия которого он добивался с 1963 г. Он был полон планов и надежд. Жизнь его состояла из непрерывного поиска и кропотливого труда. Однако судьба распорядилась иначе. В июне 1986 г. академика Марата Коптлеуича Нурмухамедова не стало. Память об этом человеке еще долго будет сохраняться в сердцах членов его семьи, друзей и коллег. А его вкладом в науку и культуру Узбекистана по праву будет гордиться общественность нашей республики.

д. ист. н. Н. Махкамова

Илмий ҳаёт

«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ЁШ ОЛИМЛАР ТАДҚИҚОТЛАРИДА: АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ВА ЁНДАШУВЛАР» РЕСПУБЛИКА ЁШ ОЛИМЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ИККИНЧИ ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҲАҚИДА

2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши кўп жihatдан ёш авлод тарбиясига эътиборни янада кучайтирди. Бу борада ЎзР ФА Тарих институтида ёшларни етук мутахассис бўлиб шаклланишига алоҳида эътибор қаратилиб, институтнинг етакчи олимлари томонидан уларга зарур илмий-назарий маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериб келинмоқда. Хусусан, 2007 йилда институт қошида ташкил этилган «Профессор Розия Муқминова номидаги республика ёш тарихчилар илмий семинари»нинг фаолияти ҳам бу масалада муҳим аҳамият касб этади. Мазкур семинар томонидан ташкил этилаётган илмий анжуманлар нафақат институтнинг ёш тадқиқотчи ва аспирантларига балки Фанлар академияси тизимидаги Шарқшунослик, Тил ва адабиёт, Фалсафа ва ҳуқуқ институтлари аспирант ва тадқиқотчиларининг илмий изланишларига ҳам самарали кўмак бермоқда. Шунингдек, семинар доирасида ташкил этиб келинаётган анжуманларга республикамиз олий ўқув юр்தларининг ижтимоий гуманитар йўналишларида фаолият олиб бораётган ёш педагоглар ҳамда таълим олаётган иқтидорли магистрлар ҳам жалб этилиб, бу уларнинг келажакдаги илмий изланишларига назарий йўланма беришда имкониятлар яратади.

2010 йил 24-25 майда республика ёш тарихчилар илмий семинари томонидан ЎзР ФА Тарих институти, «Шарқ аёли» Халқаро жамоат жамғармаси, ЎзР ФА Бирлашган Касаба уюшмаси кўмитаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар» мавзусида республика ёш олимларининг анъанавий иккинчи конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда ЎзР ФА тизимидаги ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмий тадқиқот институтлари ҳамда республика олий ўқув юр்தларининг магистрант, аспирант, ёш педагоглари иштирок этдилар. Мазкур конференцияга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ҳамда Шарқшунослик институтларининг етакчи мутахассис олимлари эксперт сифатида жалб қилинди.

Конференциянинг ялпи йиғилишида Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими С. Гуломов, Тарих институти етакчи илмий ходимлари т.ф.д. Д. Х. Зиёева ҳамда т.ф.д. А. А. Ашировлар томонидан Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг асосий методологик масалаларига бағишланган маърузалар қилинди. Ушбу маърузалар илмий тадқиқот олиб бораётган ёш олимлар ва тадқиқотчилар учун муҳим аҳамиятга эга таклифлар, маслаҳатлар, кўрсатмалардан иборат бўлди.

Конференцияга 120 дан зиёд илмий мақолалар келиб тушган бўлса, ишчи ва эксперт гуруҳининг тавсиясига мувофиқ 85 та илмий маърузалар танлаб олинди. Икки кун давом этган конференция 4 та шўбада ўз ишини олиб борди.

Конференциянинг «Ўзбекистон ҳудудида давлат бошқаруви ва ишлаб чиқаришнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши (қадимги ва илк ўрта асрлар)» мавзусидаги I шўбада Ўзбекистон ҳудудида қадимги давлатларнинг давлат бошқаруви, хунармандчилиги, шаҳарсозлик маданияти сингари масалаларга бағишланган маърузалар қилинди. Жумладан, ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг илмий ходими Ғ. Бобоёровнинг «Бактрий ҳужжатларида Турк хоқонлиги тарихига доир янги маълумотлар» номли маърузасида маъмурий бошқарув тизимига доир маълумотлар таҳлил этилиб, бошқарувга доир соф туркий ибораларнинг бактрий ҳужжатларида ўрин олиши муқимлашиб қолган бирёқлама қарашларни қайтадан кўришга ундаши кўрсатиб берилди.

Шунингдек, А. Кубатиннинг «Янги лингвистик маълумотлар асосида туркийлар тарихининг илк давларига янгича ёндашув», М. Ҳотамованинг «Турк хоқонлигида шаҳар маданияти: муаммонинг қўйилиши», Ф. Жуманиёзованинг «Қобул водийсидаги Тегиншоҳлар сулоласининг VII – VIII асрлардаги тарихига доир» номли маърузалар билан чиқишлари иштирокчиларда катта қизиқишларга сабаб бўлди.

«Ўрта асрлар даври тарихининг асосий йўналишлари ва ёндашувлар» га бағишланган II шўбада манбашунослик масалалари, ўрта асрларда давлатчилик аъёналари, халқаро алоқаларнинг турли аспектлари ҳамда хунармандчилик соҳаларининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган маърузалар қилинди. Шарқшунослик институти аспиранти С. Мухаммадаминов «Абу Ҳафс ан-Насафийнинг таълим дастуридан ўрин олган фикҳий мавзулар [матнлар] уларнинг аҳамияти (Матлаъ ан-нужум тўплами асосида)», Тарих институти илмий ходими Н. Хидированинг «Марказий Осиё ижтимоий-иқтисодий масалаларини тадқиқ қилишда фатволарнинг ўрни (XII – XVI асрлар фатво тўпламлари асосида)» ҳамда Тарих институти аспиранти Д. Дутураеванинг «Кидан

императорининг Ғазанага юборган мактуби», ЎзР ФА Давлат адабиёт музейи катта илмий ходими О. Жўрабоевнинг «Тарихий воқеликнинг адабий манбаларда акс этиши» каби маърузаларида қўлёзма манбалардан унумли фойдаланилганлиги билан ажралиб турди.

Конференциянинг «XIX аср иккинчи ярми – XX асрда сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт: янги талқин ва қарашлар» деб номланган III шўъбасида ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходимлари У. Абдурасулов «М. Юсуповнинг «Бухорода суд иши» асари (1941) Бухоро амирлигида қозилик иши тарихи бўйича янги манба сифатида» ва ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти докторанти З. Мирзаеванинг «Абдурауф Фитрат фаолиятининг ўрганилиши: ўзига хос ёндашув ва қарашлар», Фарғона давлат университети талабаси Н. Қодированинг «Садриддин Айний асарларида эски мактаб ва мадрасалар тавсифи» ҳамда ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими М. Ачилованинг «Ўзбекистонда ҳажвий сатирик матбуот ва унда ёшлар муаммосининг ёритилиши (XX аср 60-йиллари боши)» каби маърузаларида масалага илмий ёндашувлари таҳлилий характерга эга эканлиги билан катта қизиқишларга сабаб бўлди.

Шунингдек, «Ўзбекистоннинг замонавий тарихи: таҳлил ва хулосалар»га бағишланган IV шўъбада Тошкент кимё технология институти ўқитувчиси М. Ҳасанованинг «Тошкент маҳаллаларининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги фаолияти», Тарих институти аспиранти А. Юлдашевнинг «Мустақиллик арафасида Тошкент шаҳри ижтимоий-иқтисодий жараёнларининг баъзи хусусиятлари», Наманган давлат университети аспиранти Б. Халмуратовнинг «Фарғона водийси ўзбекларининг демонологик қарашлари» ҳамда мазкур университет талабаси Н. Қодировнинг «Модернизация жараёнида ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши» сингари маърузалари ҳам юқори баҳоланди.

Икки кун давом этган конференция кизгин баҳс-мунозараларга бой бўлиб, юқори савияда ўтди. Ёш олимларнинг Ўзбекистон тарихининг долзарб масалаларига оид қарашлари ва илмий хулосаларини акс эттирган маърузалари тўплам сифатида чоп этилди.

Конференция экспертлари томонидан энг яхши илмий маърузачи деб топилган ЎзР ФА Шарқшунослик институти аспиранти Ф. Жуманиёзова ҳамда Тарих институти катта илмий ходими У. Абдурасуловларга I даражали диплом, ЎзР ФА Шарқшунослик институти аспиранти А. Кубагин ва ЎзР ФА Тарих институти аспиранти Д. Дутураеваларга II даражали диплом, Наманган давлат университети ўқитувчиси Б. Хал-

муратовга III даражали диплом топширилди. Шунингдек, алоҳида эътибор қозонган маърузачилар Фанлар академияси Бирлашган Касаба уюшмаси қўмитасининг совғалари билан тақдирландилар.

Анъанавий бўлиб қолган бу каби илмий конференцияларнинг ўтказилиши ҳар жиҳатдан ёшларни илм-фанга бўлган қизиқишларини янада ортишига ва назарий жиҳатдан билимларини юксалишига муносиб хизмат қилади.

т.ф.н. Ш. Маҳмудов

Муаллифлар ҳақида маълумот

Н. Хушваков – ЎзР Фанлар академияси Археология институти тадқиқотчиси, Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейи директори.

С. Мирсоатова – Фарғона давлат университети ўқитувчиси.

З. Саидбобоев – ЎзМУ «Тарихшунослик ва манбашунослик» кафедраси мудири, т.ф.н., доцент.

Г. Нормуронова – СамДУ аспиранти.

Т. Нуриддинов – Қўқон давлат педагогика институти «Умумий тарих» кафедраси катта ўқитувчиси.

Р. Абдуллаев – ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т.ф.д.

А. Раҳманкулова – Низомий номидаги ТДПУ «Миллий ғоя ва маънавият асослари» кафедраси катта ўқитувчиси.

Б. Бобожонов – ЎзР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими, т.ф.н.

А. Хўжаев – ЎзР ФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, т.ф.д., профессор.

Ш. Шайдуллаев – Термиз давлат университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси мудири, т.ф.н.

Н. Икромов – Термиз давлат университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси.

Э. Умаров – ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, ф.ф.д., профессор.

Н. Маҳкамова – ТАТУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси мудири, т.ф.д.

Ш. Маҳмудов – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

Журнал муқовасида: деват ҳайкалининг бош қисми. Далварзинтепа. Милодий I – II аср.

На обложке журнала: скульптурная голова девата. Дальварзинтепа. I – II в. н. э.

Индекс 1027

Гип
3440с

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2010. № 2